



2020 у.г. “ 6 ” май

№ 240-Қ

Самарқанд ш.-г. Самарқанд

**“Шаҳар марказий чиқиндихонаси” учун  
кўшимча ер майдони ажратиш ҳамда  
қурилиш чиқиндиларини жойлаштириш  
ва қайта ишлаш учун махсус полигон  
ташқил этишга рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш масалалари тўғрисида”ги 19-сонли йиғилиш баёнининг 8-банди, шунингдек, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2020 йил 18 мартдаги 03-01/57-рақамли “Самарқанд шаҳрида Инвестициялар дастурига киритилган йирик лойиҳалар ижроси юзасидан ўтказилган сайёр йиғилиш баёни топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, шаҳар Бош архитектори томонидан тайёрланган ва мутасадди идоралар томонидан келишилган шаҳар ҳокимлиги ер комиссиясининг 2020 йил 24 февралдаги 15-сонли “Чиқиндихона учун танланган кўшимча ер майдони далолатномаси”ни, шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг 2020 йил 4 мартдаги 21-сонли, шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлимининг 2020 йил 14 мартдаги 179-сонли, шаҳар қурилиш бўлимининг 2020 йил 11 апрелдаги 704-сонли хулосаларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг 2020 йил 8 апрелдаги 01-04/1-546-рақамли, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Мароқанд Обод” Давлат унитар корхонасининг 2019 йил 23 декабрдаги 864-рақамли ва 30 апрелдаги 219-рақамли, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2020 йил 17 апрелдаги 01-1199-рақамли ва 29 апрелдаги 01-1313-рақамли, “Ургут” эркин иқтисодий зона дирекцияси” Давлат унитар корхонасининг 2020 йил 30 апрелдаги 05/5-220-рақамли, вилоят ҳокимлигининг 2020 йил 17 апрелдаги 01-1183-рақамли ва 5 майдаги 03-03/320-рақамли хатларини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Шаҳар ҳокимлиги ер комиссиясининг 2020 йил 24 февралдаги 15-сонли “Чиқиндихона учун танланган кўшимча ер майдони далолатномаси” тасдиқлансин.

2. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Мароқанд Обод” Давлат унитар корхонасига Самарқанд шаҳар Хишрав-2 маскани худудидан (Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2018 йил 22 октябрдаги 2026-Қ сонли қарори билан “Ургут” эркин иқтисодий зона дирекцияси”га ажратилган 49,0 га ер майдонлари таркибидан) 18,5 га. ер майдони ва “Шаҳар марказий чиқиндихонаси”га туташ ер майдони ҳисобидан 1,5 га. ер майдони жами 20,0 га. ер майдони рекультивация ва назорат қилиш учун бириктириб берилсин ва шундан 4,5 га. ер майдонида қурилиш чиқиндиларини жойлаштириш ва қайта ишлаш учун махсус полигон ташқил этишга рухсат берилсин.

3. Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2018 йил 24 сентябрдаги “Мароқанд Обод” давлат унитар корхонасига Хишрав-2 масканида жойлашган ноқонуний фойдаланиб келинаётган чиқиндихона ерларини рекультивация ва назорат қилиш учун бириктириб бериш тўғрисида”ги 1715-Қ сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Мароқанд Обод” Давлат унитар корхонасига ушбу қарорни белгиланган тартибда вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Самарқанд шаҳар филиалидан рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.

5. Шаҳар ҳокимлиги девонхонаси (С.Қодиров)га Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2018 йил 24 сентябрдаги 1715-Қ сонли қарори ўз кучини йўқотганлигини белгиланган тартибда қайд этиб, назоратга олиш ва манфаатдор томонларга етказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Олимов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



Б. Облакулов